

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Ped.26.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**САЛИЕВА ЗУХРА ТАХИРОВНА**

**ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ  
ТАЛАБАЛАРИНИНГ МАЪНАВИЙ МАДАНИЯТИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси ва тарихи. Таълимда менежмент**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2017**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской диссертации**

**Content of the abstract of doctoral dissertation**

**Салиева Зухра Тахировна**

Педагогика олий таълим муассасаси талабаларининг маънавий  
маданиятини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш ..... 3

**Салиева Зухра Тахировна**

Совершенствование механизмов развития духовной культуры у  
студентов педагогических вузов ..... 31

**Salieva Zukhra Takhirovna**

Improving the mechanisms of development of spiritual culture of the  
students of pedagogical higher education establishments ..... 59

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 63

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Ped.26.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**САЛИЕВА ЗУХРА ТАХИРОВНА**

**ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ  
ТАЛАБАЛАРИНИНГ МАЪНАВИЙ МАДАНИЯТИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси ва тарихи. Таълимда менежмент**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2017**

**Докторлик диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.DSc/Ped2 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) веб-саҳифанинг [www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz) ҳамда “ZiyoNet” ахборот-таълим порталида [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:** **Эгамбердиева Нодира Мелибаевна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Адизов Бахтиёр Рахмонович**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Исмаилова Зухра Карабаевна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Маврулов Абдуҳалил Абдулҳаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** **Ўзбекистон Миллий университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Ped.26.01 рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_соат \_\_\_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86; e-mail: [tdpu\\_kengash@edu.uz](mailto:tdpu_kengash@edu.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси 27уй. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86

Диссертация автореферати 2017 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_куни тарқатилди.  
(2017 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ да \_\_\_\_\_ - рақамли реестр баённомаси).

**Ш.С.Шарипов**

Фан доктори илмий даражасини берувчи  
Илмий кенгаш раиси, п.ф.д., проф.

**Р.Г.Исянов**

Фан доктори илмий даражасини берувчи  
Илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н.

**Д.Д.Шарипова**

Фан доктори илмий даражасини берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, п.ф.д., проф.

## КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** XXI асрда жаҳон миқёсида техноген цивилизациянинг тараққий этиши моддий ва маънавий маданиятнинг ривожланишидаги қарама-қаршилиқни юзага келтирди. Техник цивилизация тараққиётида талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятининг муайян омилларига уларнинг ахлоқи, маънавий қадриятлари тизими нуқтаи назаридан эмас, балки технократик фикрлашнинг муҳимлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Дунёни илмий-техник ўзлаштириш таъсири остида инсон тафаккури мақсадга йўналтирилган, оқилона, соф инструментал қобилиятга айланмоқда ва фан-техника маданиятининг стратегик мўлжалларини танқидий таҳлил қилишга қодир бўлмай қолмоқда.

Мустақиллик йилларида педагог кадрларни тайёрлашнинг янги тизими ишлаб чиқилиб, узлуксиз таълимда ўқитиш сифати ва самарадорлигини бўлажак ўқитувчиларнинг касбий, маънавий-ахлоқий тайёргарлиги белгилаб бериши ҳақидаги қатъий хулосага келинди<sup>1</sup>. Педагогика олий таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг такомиллаштирилган дастурий-методик таъминоти яратилди. Натижада бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашнинг бой миллий маданий-тарихий анъаналар, урф-одатлар ҳамда умумбашарий қадриятларга асосланган самарали ташкилий-педагогик механизмлари ишлаб чиқилди ва таълимни инсонпарварлаштиришнинг устуворлиги таъминланди. Талабаларда маънавий маданиятни ривожлантириш механизмларини жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш асосида такомиллаштириш Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида муҳим ўрин эгаллайди<sup>2</sup>.

Айни пайтда жаҳонда олий таълим тизимида талабаларни касбий ижтимоийлаштириш омили сифатида маънавий-ахлоқий компетентликни ривожлантириш технологиясини такомиллаштириш, талабаларнинг ижтимоий фаоллиги ва ташаббускорлигини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган мультимедиа воситаларини яратиш; талабаларда маънавий маданиятни ривожлантиришнинг диагностик тизимини такомиллаштириш; талабаларда маънавий маданиятни ривожлантиришнинг нейролингвистик дастурлаштириш технологияларини такомиллаштириш; талабаларда китобхонлик ва мутолаа маданиятини ривожлантиришнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори

<sup>1</sup> Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2013. – Б.15.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2017. – Б.39.

малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сон, 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2124-сон, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 2909-сон Қарорлари, 2017 йил 12 январдаги “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини такомиллаштириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги Фармойиши, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ 4947-сон Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи**<sup>1</sup>. Педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг маънавий маданиятини ривожлантириш бўйича тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Association for Educational Communications and Technology – АЕСТ (АҚШ), Belfield pedagogical university (Германия), Centre of increasing to pedagogical qualification on base Manchesters university (Буюк Британия); Чунанг университети (Жанубий Корея), Мияги педагогика университети (Япония), Таълим академияси (Россия), Тошкент давлат педагогика университети (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг маънавий маданиятини ривожлантиришга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: маънавий-ахлоқий тарбия технологияларини ишлаб чиқишга доир халқаро ҳамкорликни амалга оширишнинг ташкилий ва стратегик механизмлари такомиллаштирилган (Association for Educational Communications and Technology – АЕСТ); педагогика олий таълим муассасаси талабаларини тьюторлик фаолиятига тайёрлашга доир тизимнинг самарали фаолият кўрсатиши менежмент ва хизмат кўрсатиш соҳаси механизмлари асосида такомиллаштирилган (Belfield pedagogical university); талабаларни маънавий-

---

<sup>1</sup> Мазкур қисм Botcheva, L., Shih, J., Huffman, L. C. Emphasizing Cultural Competence in Evaluation: A Process-Oriented Approach / L. Botcheva, J. Shih, L.C. Huffman // American Journal of Evaluation. 2009. Volume 30. №2. P. 176-188.; Куронов М. Болам бахтли бўлсин, десангиз (Ота-оналар учун). – Т.: «Маънавият», 2013. – 320 б.; Куронов М. Биз англаётган ҳақиқат. – Т.: «Маънавият», 2008. – 152 б. каби манбаларга асосланиб ёзилди.

маърифий фаолиятни самарали ташкил этишга йўналтирилган, тарбиявий вазибаларини лойиҳалаш, маънавий-ахлоқий билимларни турли тарбиявий вазиятларда қўллаш имконини берадиган ижтимоий-психологик тренинглари тизими ишлаб чиқилган (Centre of increasing to pedagogical qualification on base Manchesters university); талаба шахси маънавиятини ривожлантиришнинг лойиҳавий-конструктив технологиялари ишлаб чиқилган (Чунанг университети); бўлажак педагог шахси маънавиятини шакллантиришнинг нейролингвистик дастурлаштириш технологияси ишлаб чиқилган (Мияги педагогика университети); талабаларда маънавий маданиятни тарбиялаш технологияси ишлаб чиқилган (Россия таълим академияси); талабаларни маънавий-ахлоқий ривожлантиришнинг диагностик тизими ишлаб чиқилган (Тошкент давлат педагогика университети).

Дунёда педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг маънавий маданиятини ривожлантириш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: олий таълим тизимида тарбиявий фаолиятни ташкил этиш ва бошқаришнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш; талабаларнинг маънавий маданиятини ривожлантиришнинг қўмакчи компьютерли тизими ва виртуал таълим технологияларини ишлаб чиқиш; талабаларнинг маънавий маданиятини ривожлантиришнинг инновацион шакл, метод ва воситалари тизимини ишлаб чиқиш; аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотларнинг педагогик имкониятларини интеграциялаш асосида талабаларни маънавий-маърифий фаолиятга тайёрлаш жараёнини моделлаштириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Талабаларнинг маънавий маданиятини ривожлантиришнинг фалсафий, ижтимоий-антропологик масалалари А.Бегматов, М.Каххарова, А.Маврулов, Ж.Туленов, Г.Туленова, Э.Юсупов, О.Ғайбуллаевлар томонидан тадқиқ этилган<sup>1</sup>.

Психолог олимлардан М.Давлетшин, В.Каримова, А.Леонтьев, А.Маслоу, З.Нишонова, Л.Рубинштейн, Н.Сафаев, Э.Ғозиев кабилар томонидан муаммонинг психологик жиҳатлари ўрганилган<sup>2</sup>.

Ўқувчи-ёшларнинг маънавий маданиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-педагогик, антропологик ва акмеологик масалалари юзасидан Б.Адизов, Р.Джураев, О.Жамолиддинова, З.Исмаилова, У.Маҳкамов, Ш.Мардонов, О.Мусурмонова, Н.Ортиқов, Б.Рахимов, Д.Рўзиева,

<sup>1</sup> Бегматов А. Маънавият фалсафаси ёхуд Ислоҳ Каримов асарларида янги фалсафий тизимнинг яратилиши. – Т.: Шарқ, 2000. – 94 б.; Каххарова М. Жамиятда маънавий-ахлоқий муҳит: муаммо ва ечимлар. Автореф. ... фал.фан.док. – Т., 2012; Маврулов А. Маънавий баркамол инсон тарбияси. – Т.: Ўзбекистон, 2008. – 80 б.; Туленов Ж. Фалсафий маданият ва маънавий камолот. – Т.: Мехнат, 2000. – 215 б.; Туленова Г. Ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишда маънавий омилнинг роли (Ижтимоий-фалсафий таҳлил): Фал. фан. док. ...дисс. – Т., 2006. – 317 б.; Юсупов Э. Мустиқиллик ва маънавият. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 175 б.; Ғайбуллаев О. Ўзбекистон мустиқиллиги шароитида ёшлар эстетик тафаккурининг ривожланиш масалалари: Фал. фан. док. ... дисс. – Самарқанд, 2005. – 161 б.; – 56 б.

<sup>2</sup> Давлетшин М.Г. Кобилият ва унинг диагностикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1997. – 134 б.; Каримова В. Психология. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002. – 204 б.; Леонтьев А.А. Деятельностный ум (Деятельность. Знак. Личность). – М.: Смысл, 2001. – 392 с.; Маслоу А. Психология бытия. // Пер. с англ. О.О. Чистякова. – Рефл-бук: Ваклер, 1997. – 84 с.; Нишонова З.Т. Мустиқил ижодий фикрлашни шакллантиришнинг психологик асослари: Псих.фан.док. ... дис. – Т., 2005. – 391 б.; Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии. – СПб.: Питер, 2013. – 713 с.; Сафаев Н.С. Психологические особенности национального самосознания студенческой молодежи: Автореф. дис. ... доктора псих.наук. – Т., ТГПУ, 2006. – 38 с.; Ғозиев Э.Г. Психологические основы развития самоуправления учебной деятельностью у школьников и студентов. Автореф. дис. ... док.псих.наук. – Т., 1991. – 38 с.

Д.Шарипова, Ш.Шарипов, Ш.Шодмонова, Н.Эгамбердиева, М.Қуроновлар илмий изланишлар олиб боришган<sup>1</sup>.

Педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг маънавий маданиятини ривожлантириш муаммоси билан боғлиқликда турли соҳа олимлари томонидан илмий изланишлар олиб борилган бўлсада, бироқ кадрлар тайёрлаш тизимини модернизациялаш шароитида педагогика олий таълим муассасаси талабаларининг маънавий маданиятини ривожлантиришнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш масаласи махсус тадқиқ этилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИТД-4-122. “Юксак маънавиятли шахсни шакллантириш тарбия технологиясини ишлаб чиқиш” (2009-2011 йй.), “ОТ-Ф1-36. Талабалар маънавиятини диагностика қилиш механизмларини такомиллаштириш”(2017-2020 йй.) мавзулари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** педагогика олий таълим муассасалари талабаларида маънавий маданиятни ривожлантиришнинг амалий-технологик тизими ва ижтимоий-педагогик механизмларини такомиллаштиришдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

миллий тафаккур ва маънавий маданиятни ривожлантиришнинг ўзаро алоқадорлигини таҳлил этиш асосида талабаларда маънавий маданиятни ривожлантиришнинг фалсафий, педагогик-психологик омилларини аниқлаштириш;

талабаларнинг маънавий маданиятини ривожланганлик даражасини ташхис этиш ва мониторингини амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш;

талабаларда маънавий маданиятни ривожлантиришнинг локал-модулли технологиясини ишлаб чиқиш ва самарадорлигини баҳолаш;

талабаларда маънавий маданиятни ривожлантиришнинг нейро-лингвистик дастурлаштириш технологияларини такомиллаштириш;

<sup>1</sup> Адизов Б.Р. Бошланғич таълимни ижодий ташкил этишнинг назарий асослари: Пед.фан.док... дисс. – Бухоро, 2002. – 276 б.; Джураев Р.Х. Организационно-педагогические основы интенсификации системы профессиональной подготовки в учебных заведениях профессионального образования: Автореф. дисс. ... док.пед.наук. - СПб.: 1995. – 43 с.; Жамолдинова О. Ёшлар соғлом турмуш маданиятини ривожлантиришда узвийлик ва узлуксизлик тамойиллари амал қилишининг педагогик механизмларини такомиллаштириш: Автореф. ... пед. фан. док. – Т., 2015.; Исмоилова З.К. Бўлажак мутахассислар шахсни шакллантиришнинг ғоявий асослари // Kasb-hunar ta'limi j. - №3, 2007. – Б.18; Маҳкамов У.И. Юкори синф ўқувчиларида ахлоқий маданиятни шакллантиришнинг педагогик асослари: Педагогика фанлари доктори. ... дисс. – Т., 1998. – 286 б.; Марданов Ш. Педагог кадрларни таълимий кадрятлар асосида тайёрлаш ва малакасини оширишнинг педагогик асослари: Пед. фан. док. ...дисс. – Т., 2006. – 302 б.; Мусурмонова О. Юкори синф ўқувчилари маънавий маданиятини шакллантиришнинг педагогик асослари: Пед.фан.док. ...дисс. – Т., 1993. – 364 б.; Ортиқов Н. Миллий ва умуминсоний кадрятлар асосида ўқувчи шахсини ахлоқий шакллантириш: Пед. фан. докт. ... дисс. – Т., 2000. – 305 б.; Рахимов Б.Х. Бўлажак ўқитувчида касбий-маданий муносабатларнинг шаклланиши: Педагогика фанлари номзоди. ... дисс. – Т., 2004. – 160 б. Рўзиева Д. Олий таълим муассасаси талабаларида миллий ифтихор туйғусини шакллантиришнинг илмий-педагогик асослари: Пед. фан. док. ... дисс. – Т., 2007. – 255 б.; Шарипова Д. Научные основы гигиенического воспитания обучающихся: Автореф. ... дисс. док. наук. – Т., 1990. – 47 с.; Шарипов Ш. Ўқувчилар касбий ижодкорлиги узвийлигини таъминлашнинг назарияси ва амалиёти: Пед. фан. док. ... дис. автореф. –Т., 2012. – 46 б.; Шодмонова Ш. Олий ўқув юрти талабаларида мустақиллик тафаккурини шакллантириш ва ривожлантириш (Касб таълими йўналиши мисолида): Пед. фан. док. ...дисс. – Т., 2010. – 340 б.; Эгамбердиева Н. Маданий-инсонпарварлик ёндашув асосида талабаларни шахсий ва касбий ижтимоийлаштириш назарияси ва амалиёти (Педагогика олий таълим муассасалари мисолида): Пед. фан. док. ... дисс. – Т., 2010. – 332 б.; Қуронов М. Ўзбекистон умумий ўрта таълим мактабларида миллий тарбиянинг илмий-педагогик асослари: Пед.фан.док. ... дисс. – Т., 1998. – 316 б.



техноген цивилизация шароитида талабаларда китобхонлик ва мутолаа маданиятини ривожлантиришнинг локал-модулли технологиясини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** педагогика олий таълим муассасалари талабаларида маънавий маданиятни ривожлантириш жараёни. Тадқиқот жараёнида педагогика олий таълим муассасаларининг 494 нафар талабаси иштирок этди.

**Тадқиқотнинг предмети** педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг маънавий маданиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-педагогик шарт-шароитлари, амалий-технологик ва нейролингвистик дастурлаштириш тизими.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида муаммога доир сиёсий, фалсафий, социологик, психологик, педагогик адабиётларни қиёсий-танқидий ўрганиш ва таҳлил этиш; олий таълим муассасаларидаги илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш; социометрик методлар (анкета, интервью, суҳбат); педагогик эксперимент; натижаларни математик ва статистик таҳлил этиш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

талабаларда маънавий маданиятни ривожлантиришнинг фалсафий, педагогик-психологик омилларини аниқлаштириш орқали касбий ижтимоийлаштиришнинг шахслараро, гуруҳий, жамоавий ва кадриятга йўналтирилган интеграцион таъсир кўрсатиш механизми такомиллаштирилган;

педагогика олий таълим муассасаси талабаларида маънавий маданиятнинг ривожланганлик даражасини ташхис этишнинг ахборий-когнитив, шахсий-кадриятга йўналтирилган, ҳиссий-эмоционал, фаолиятли-ижодий компонентлари ҳамда диагностик аппарати касбий-педагогик йўналганлик, педагогик мулоқот кўникмаларини баҳолаш, муваффақиятга эришиш ва эмпатия даражасини аниқлаш орқали такомиллаштирилган;

талабаларда маънавий маданиятни ривожлантиришнинг беш – танишув, билишга доир; баҳолаш, рефлексия, танлов; интериоризация; фазилатларни фаолиятда намоён этиш; мустаҳкамлаш ва коррекция босқичларини интеграциялаш асосида локал-модулли технология ишлаб чиқилган;

талабаларда самарали мулоқот техникасини шакллантириш, ўз хулқ-атворини онгли равишда ўзгартиришга йўналтирилган фаолиятга тайёрлаш ҳамда фикрий жараёнларни ташқи ва ички таъсирлар бирлиги асосида бошқариш орқали маънавий маданиятни ривожлантиришнинг нейролингвистик дастурлаштириш технологиялари такомиллаштирилган;

техноген цивилизация шароитида педагогика олий таълим муассасаси талабаларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш ҳамда китобхонлик ва мутолаа маданиятини ривожлантириш технологияси ишлаб чиқилган.

### **Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

талабаларнинг маънавий маданиятини ривожлантиришга доир тьюторлик фаолиятини ташкил этишнинг методик таъминоти ишлаб чиқилган;

талабаларнинг маънавий маданиятини ривожлантиришнинг фалсафий, педагогик-психологик омиллари аниқлаштирилган ҳамда тарбиявий фаолиятни ташкил этиш самарадорлигини баҳолашнинг диагностик аппарати такомиллаштирилган;

талабаларнинг маънавий маданиятини ривожлантиришга йўналтирилган тарбиявий фаолиятнинг модернизациялашган шакллари аниқлаштирилган ва амалиётга татбиқ этиш механизмлари такомиллаштирилган;

талабаларнинг маънавиятини ташхис этиш шакл ва методлари магистратура мутахассисликлари учун ёзилган “Педагогик тадқиқотлар методологияси” (№335-062-2016) дарслиги мазмунида ўз аксини топган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммога фалсафий, методологик, методик, психологик ва педагогик ёндашувларга ҳамда маънавиятни ривожлантиришга доир миллий тажриба, республикамиз ва чет эллик олимлар, шунингдек, гуруҳ ва микро гуруҳ мураббийларининг тарбиявий фаолиятни ташкил этишга доир тажрибаларга асосланганлиги; тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методларининг қўлланилганлиги; таҳлил ва тадқиқот тавсифининг миқдор, шунингдек, сифат жиҳатидан таъминланганлиги; тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги ҳамда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил методлари ёрдамида қайта ишланганлиги билан белгиланади.

### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқотнинг назарий аҳамияти педагогика олий таълим муассасаси талабаларининг маънавий маданиятини ривожлантириш орқали уларни касбий ижтимоийлаштиришга йўналтирилган локал модулли ва нейролингвистик дастурлаштириш технологиялари ишлаб чиқилиб, талабаларнинг маънавий маданиятини ривожлантиришга оид назарий ёндашувлар билан бойитилганлиги; талабаларнинг маънавий маданиятини ривожланганлик даражасини аниқлаш мезонлари ва кўрсаткичлари ҳамда тадқиқот муаммосининг ижобий ечимини таъминловчи илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти педагогика олий таълим муассасаларида ўқитиладиган ижтимоий-гуманитар, умумкасбий ва ихтисослик фанлари бўйича такомиллаштирилган малака талаблари, фан дастурларини ишлаб чиқишда бўлажак ўқитувчиларнинг тарбиявий фаолиятга тайёрлашга доир компетенцияларнинг аниқлаштирилганлиги; маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнини самарали лойиҳалаш механизмларининг такомиллаштирилганлиги, педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг маънавий маданиятини ривожлантиришнинг диагностик тизимининг ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Педагогика олий таълим муассасаси талабаларининг маънавий маданиятини ривожлантириш бўйича илмий натижалари:

талабаларда маънавий маданиятни ривожлантиришнинг педагогик-психологик омилларини аниқлаштириш орқали касбий ижтимоийлаштиришнинг шахслараро, гуруҳий, жамоавий ва қадриятга йўналтирилган интеграцион таъсир кўрсатиш механизми “Ўзстандарт” агентлигининг 2015 йил 15 февралдаги 2-540-сон қарори билан тасдиқланган бакалаврият йўналишлари Давлат таълим стандарти мазмунига сингдирилган. Мазкур интеграцион таъсир кўрсатиш механизмларидан педагогика олий таълим муассасалари талабалари учун такомиллаштирилган ўқув дастурлари ва дарсликларни яратишда фойдаланилган;

педагогика олий таълим муассасаси талабаларида маънавий маданиятнинг ривожланганлик даражасини ташхис этишнинг ахборий-когнитив, шахсий-қадриятга йўналтирилган, ҳиссий-эмоционал, фаолиятли-ижодий компонентлари “ИТД-4-122 – Юксак маънавиятли шахсни шакллантириш тарбия технологиясини ишлаб чиқиш” мавзусидаги амалий лойиҳа иш режаси асосида юксак маънавиятли шахсни шакллантиришнинг диагностик технологияларини ишлаб чиқиш ҳамда “ОТ-Ф1-36. Талабалар маънавиятини диагностика қилиш механизмларини такомиллаштириш” мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида талабаларнинг маънавиятини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишда самарали фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 10 июлдаги 89-03.13.03-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар асосида талабаларда маънавий маданиятни ривожлантириш концепцияси ва одоб-ахлоқ қоидалари ишлаб чиқилган;

талабаларда маънавий маданиятни ривожлантиришнинг беш – танишув, билишга доир; баҳолаш, рефлексия, танлов; интериоризация; фазилятларни фаолиятда намоён этиш; мустаҳкамлаш ва коррекция босқичларини интеграциялаш асосида ишлаб чиқилган локал-модулли технология “ИТД-4-122 – Юксак маънавиятли шахсни шакллантириш тарбия технологиясини ишлаб чиқиш” мавзусидаги амалий лойиҳа иш режасига мувофиқ юксак маънавиятли шахсни шакллантиришнинг умумпедагогик технологиясини такомиллаштиришда асос сифатида хизмат қилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 10 июлдаги 89-03.13.03-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар асосида талабаларда маънавий маданиятни ривожланганлик даражасини ташхис этишнинг электрон-дастурий таъминоти ва кўмакчи-компьютерли тизими ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан, 5 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 32 та илмий-услубий ишлар, шу жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган

илмий нашрларда 12 та мақола, 10 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация иши кириш, тўрт боб, 215 саҳифа матн, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **“Талабаларда маънавий маданиятни ривожлантиришнинг назарий-методологик асослари”** деб номланган биринчи бобида миллий мустақиллик тафаккури ва талабаларда маънавий маданиятни ривожлантиришнинг ўзаро алоқадорлиги, талабаларда маънавий маданиятни ривожлантиришнинг фалсафий ва педагогик-психологик омиллари ҳамда талабаларда маънавий маданиятни ривожлантириш мезонлари ва кўрсаткичлари баён этилган.

Таълим ўзини маданиятлар дунёсида тасаввур этиш орқали инсонда олам манзарасини яратиш, инсоннинг табиат, бошқа одамларга, жамият, ўз-ўзига бўлган муносабатлар тизимини шакллантириш сифатида қаралади. Инсон ўзининг онги, иродаси, ҳис-туйғуси, билиш имкониятлари орқали маданий кадриятларни ўзлаштиради, бунинг натижасида индивидуал ижодийлик шаклланади. Бундай индивидуалликнинг намоён бўлишининг ўзиёқ нафақат маданиятнинг меросийлигини, истеъмол қилинишини, балки ривожланишини ҳам англатади. Бундай тушуниш педагогикадаги янги парадигма – шахсга йўналтирилган таълим асосини ташкил этувчи жамиятдаги янги кадриятлар – шахснинг ўзини-ўзини ривожлантириши, ўзига-ўзига таълим бериши ва ўзини-ўзи лойиҳалашнинг намоён бўлишини акс эттирувчи маънавий маданият билан уйғунлик тамойилининг шаклланишига олиб келди.

Маънавий маданиятининг шаклланиш жараёни мураккаб ижтимоий ҳодиса сифатида миллий, диний, тарихий, ахлоқий ва ҳуқуқий омиллар билан узвий боғлиқ. Шу маънода, миллий ва диний кадриятлар нафақат халқимизнинг тарихий-маънавий мероси балки, баркамол шахсни тарбиялаш ва шакллантиришнинг муҳим омиллари ҳисобланади.

Тадқиқот натижалари асосида “маънавий маданият” тушунчасига қуйидагича таъриф берилди: маънавий маданият – бўлажак педагогнинг маънавий сифатлари мажмуини ўзида акс эттириб, ижодий, илмий,

фалсафий, ҳуқуқий, бадиий, диний, ахлоқий билим ва тажрибаларни кундалик ва касбий фаолиятда қўллай олиш, маънавий воқеликни таҳлил этиш, баҳолаш ҳамда салбий таъсир этувчи омилларни фарқлай олиш қобилиятидир.


Таҳлиллар асосида маънавий маданият мураккаб тузилишга эга бўлиб, маънавий-ахлоқий билимлар, маънавий-ахлоқий сифатлар, маънавий фаолият, маънавий ва маданий қадриятлар тизими каби компонентларни ўз ичига қамраб олиши аниқланди (1-расм).



1-расм. Маънавий маданиятнинг таркибий қисмлари

Тадқиқот натижалари асосида талабаларда маънавий маданиятни ривожлантиришнинг фалсафий (ижтимоий-сиёсий, миллий-маънавий), педагогик-психологик омиллари тасниф қилинди. Жумладан, фалсафий омиллар ижтимоий-сиёсий, миллий-маънавий жиҳатдан таҳлил этилиб, тараққиётнинг ўзбек модели, Ислом Каримов асарлари, миллий ғоя ва мафкура, 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси, ватанпарварлик, миллий-маданий мерос, маънавий ва маданий қадриятларни ўз ичига қамраб олди. Психологик омиллар интеллектуал, эмоционал ва мотивацион соҳа билан алоқадорликда таҳлил этилиб, талабаларнинг маънавий маданиятини ривожлантиришда мотив, мақсад, ҳис-туйғулар, шахслик сифатлари, рефлексиянинг ўрни тадқиқ этилди. Педагогик омилларга эса миллий тарбия, тарбия парадигмалари, ахборот истеъмоли маданияти, деонтологик тайёргарлик кабилар киритилди.

Тадқиқот натижалари педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг маънавий маданиятини ривожлантириш маънавий профилактика тизими, ижтимоий-педагогик фаолият, нейролингвистик дастурлаштириш, андрагогик ёндашув, педагогик деонтология ҳамда техноген цивилизация ва маънавий маданиятнинг уйғунлиги асосида такомиллаштирилишини тақозо этиши ҳақидаги хулосага келишга имкон берди (2-расм).



**2-расм. Педагогика олий таълим муассасаси талабаларида маънавий маданиятни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари**

Тадқиқот натижалари педагогика олий таълим муассасалари талабаларида маънавий маданиятни ривожлантиришда қуйидаги тамойилларга асосланиш лозимлигини кўрсатди:

яхлит ёндашув – талабаларни биологик ва психик, ижтимоий ва маънавий, англаш ва ўз-ўзини англаш, рационал ва иррационал бирлик сифатида тушуниш;

талабаларга педагогик қўллаб-қувватлашга эҳтиёж сезувчи, индивидуал муносабатда бўлишни талаб этувчи шахс деб қараш; бунда юксак ижтимоий қадриятларнинг инсон шахсини ривожлантиришдаги ўрни, ҳар бир талабанинг индивидуаллиги ва такрорланмас эканлиги ҳурмат қилиниши; унинг ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликлари эътироф этилиши; тарбия мақсади, объекти, субъекти, самарадорлиги кўрсаткичлари ва натижалари талабанинг шахсиятида намоён бўлиши; талабаларга ушбу жараёндаги асосий субъект деб қаралиши; тарбиявий фаолиятда антропологик билимларга таянилиши лозим;

биринчидан, этник ва ҳудудий, маданий-тарихий, ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-психологик шарт-шароитлар билан боғлиқликда, иккинчидан, ижтимоий институтларнинг асосий функцияларига мувофиқ келадиган

ҳолда, учинчидан, тарбия жараёнида иштирокчиларнинг индивидуаллигини ҳисобга олган ҳолда, тарбиявий иш мазмуни, шакл ва методлари танлаб олинадиган табақалаштирилган ёндашув;

табиат билан уйғунлик тамойили қуйидаги қоидаларга риоя этишни талаб этади: 1) талабанинг индивидуал-шахсий хусусиятларини ўрганиш ва тарбиялаш; 2) талабанинг мотив ва эҳтиёжларига таяниш; 3) психологик-педагогик ташхис, маслаҳат ва коррекциянинг ўзаро алоқадорлигини таъминлаш;

маданият билан уйғунлик тамойили таълимнинг барча тизимида талабани маданий ўз-ўзини ривожлантириш ва ўз-ўзини ўзгартиришга қобилиятли ҳаёт субъекти деб қараш; таълимга маданий жараён сифатида; таълим муассасасига – педагог ва талабалар ҳаётининг маданий намуналари яратиладиган, маданий воқеалар содир бўладиган, маданият яратиш ва маданиятли инсонни тарбиялаш амалга ошириладиган маданий-таълимий макон сифатида муносабатда бўлиш; ўқув-тарбиявий жараёнда миллий анъана, урф-одат, маросимларга таяниш керак;

тарбиявий жараёндаги муносабатларни ташкил этишга инсонпарвар ёндашувда – педагог ва талабалар ўртасидаги ҳурмат, талабаларнинг фикрини диққат билан тинглаш, уларга яхши ва эътиборли муносабатда бўлиши, ривожланаётган шахс ўзини ҳимояланган, керакли, аҳамиятли ҳис этиши; объектив ягона мақсаддаги ўқитувчи ва талабаларнинг ҳар томонлама ўзаро таъсири учун психологик қулайликлар яратилиши мақсадга мувофиқ;

кадриятли-мазмунли ёндашув – талабада ўз ҳаётининг мазмунини англаши учун зарурий шарт-шароит яратишга, унинг табиат, социум, маданият билан мулоқотида юзага келадиган шахсий фикрларини тарбиялашга йўналтирилиши лозим.

Талабаларнинг маънавий маданиятини ривожлантириш ўз навбатида мазкур жараён самарадорлигини кафолатловчи мезонларни аниқлаштириб олишни тақозо этди. Талабаларни касбий ижтимоийлаштириш параметрларига таянган ҳолда тадқиқот доирасида технологик ёндашув асосида талабаларнинг маънавий маданиятини ривожлантиришнинг ахборий-билиш, шахсий-кадриятли, ҳиссий-эмоционал ва фаолиятли-ижодий мезонлари ва кўрсаткичлари ишлаб чиқилди.

Диссертациянинг **“Талабаларда маънавий маданиятни ривожлантиришнинг ижтимоий-педагогик хусусиятлари”** деб номланган иккинчи бобида талабаларда маънавий маданиятни ривожлантиришнинг бўлажак ўқитувчи шахсини ижтимоийлаштириш билан алоқадорлиги, ижтимоий-педагогик вазифаларни ҳал этиш жараёнида талабаларда маънавий маданиятни ривожлантиришнинг концептуал асослари ва аудиториядан ташқари машғулотлар жараёнида талабаларнинг маънавий маданиятини ривожлантириш масалалари ёритиб берилган.

Маънавий маданият ижтимоийлашув омили сифатида ўзида таълим олувчи шахсининг тўртта муҳим соҳада ўз ўрнини белгилаб олиш жараёни (ёки маънавий маданиятга эга бўлиш)ни намоён этади: инсон, жамият, табиат, ноосфера. “Инсон” сифатида ўз ўрнини белгилаш ҳаёт,

индивидуалликни қадрият, инсонни тараққиёт чўққиси, деб тушунишни талаб этади. “Жамият” соҳасида ўз ўрнини белгилаш Ватан, демократия, ошкоралик, ҳуқуқий давлат, оила, меҳнат, фуқаролик масъулияти тарзидаги тартибда қадриятларни эгаллаш орқали юзага келади. “Табиат” соҳасида ўз ўрнини белгилаш, ўзини табиатнинг бир бўлаги деб англаш ва ўзини табиатга мос такомиллаштириш (саломатлик, эстетик асос, маънавий-ахлоқий идеал) орқали ташкил этилиши мумкин. У яна экологик маданиятга эга бўлиши, табиатни ўзлаштириш ва асраб-авайлаш жараёнида келажак авлодлар олдидаги масъулият туйғусини тушуниб етишни ҳам кўзда тутаяди. “Ноосфера” (ақл соҳаси) ўз ўрнини белгилаш соҳаси сифатида илмий-техник тараққиёт натижаларидан фойдаланишда ахлоқий масъулиятни англаш, инсон техника билан ишлаш жараёнида етарлича маълумотга эга бўлмаганда келиб чиқадиган оқибатлари ҳақидаги билимларни таркиб топтириш, талабаларни халқнинг тарихий, маънавий, ахлоқий қиёфасига нисбатан фаол фуқаролик муносабатини шакллантириш, маданий ёдгорликларни сақлаш ва тиклаш, миллий анъаналарни қайта яратишни талаб этади.

Маънавий маданиятни ушбу интегратив соҳалар бирлиги сифатида тушунишдан тарбияни талабанинг асосий эҳтиёжларини қондириш учун психологик-педагогик шарт-шароитлар яратишга йўналтирилган педагогик фаолият сифатида қараш келиб чиқади. Бундай педагогик шарт-шароитларга қуйидагиларни киритиш мумкин: таълим-тарбия мазмунини белгилашга хилма-хил ёндашув; тарбиянинг диалогли, мунозарали методлари; шахсни шакллантириш жараёнининг умуминсоний қадриятларга йўналганлиги, тарбиявий жараённи ташкил этишнинг демократлаштириш ва миллийликни ҳисобга олиш тамойили.

Маълумки, ижтимоийлашув талабанинг жамиятдаги қадриятларни қабул қилиши ва зарурий даражада ижтимоий, фуқаролик ва шахсий етукликка эришиши асосида жамиятга кириб боришидир. Талаба шахсининг ижтимоийлашуви эса, унинг ўзини жамиятдаги ўрнини англаб бориши жараёнидир. Бу тарбия, таълим, ўз-ўзини тарбиялаш жараёнида юзага келиб, талаба қачонки, ўз мақсадларини мустақил аниқлай олса ва уларга эришиш йўллариини белгилай олганида, ўз кадр-қимматини англаб етганида, жамиятдаги ўз ўрнига ишонч ҳосил қилган тақдирда амалга ошади. Бошқача айтганда, талаба шахсининг ижтимоийлашуви – таълим-тарбия таъсирида психологик функцияларнинг такомиллашуви, ижтимоий-ахлоқий қадриятлар, ҳулқ-атвор меъёр ва қоидаларининг ўзлаштирилиши, дунёқарашининг бойиш жараёни ва натижаси.

Табиийки, олий таълим муассасасига қабул қилинган талаба учун янги вазибалар (касбий фаолиятни эгаллаш) ва мавжуд имкониятлар, ўқув фаолиятини ташкил этишга бўлган муносабатларнинг янги тизими ўртасида қарама-қаршилиқлар вужудга келади. Касбий тайёргарлик йўлининг ўзиёқ, талабанинг ижтимоий мақомни тез ўзгартира олишини талаб этади: олий таълим муассасасидаги ўқиш даврида талаба мақомини муваффақиятли ўзгартира олиши зарур. Бу эса, ўз навбатида маънавий маданият асосида



бўлажак ўқитувчиларни ижтимоийлаштириш жараёнини жадаллаштиришни тақозо этади.

Тадқиқот натижалари асосида маънавий маданиятни ривожлантириш асосида бўлажак ўқитувчиларни ижтимоийлаштириш жараёнида қуйидаги вазифаларни ҳал этиш лозимлиги ҳақидаги хулосага келинди: бўлажак ўқитувчиларни шахсий ҳаёт ва касбий фаолиятда ўз-ўзини ривожлантиришга тайёрлаш; бўлажак ўқитувчиларнинг ҳаёт мазмунини ифода этувчи мақсадларини ривожлантириш, уларнинг ўз эҳтиёж ва имкониятларини тўлиқ англаб етишларига кўмаклашиш; шахслараро ва касбий фаолиятга доир муносабатлар тизимида уларнинг ўз ўрнини аниқ белгилай олиши ва ўз-ўзини намоён қила олишга ўргатиш; бўлажак ўқитувчиларнинг мустақил таълимини ташкил этишда фаолиятли-муносабатли ёндашувни жорий этиш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш; бўлажак ўқитувчиларда инсонга (ўз-ўзини холис баҳолаш, ўз-ўзини ҳурмат қилиш, қадр-қиммат, ор-номус, виждон) ва оламга нисбатан (инсонпарвар, демократик, диалектик, маънавий-ахлоқий тафаккур) юксак ахлоқий муносабатни шакллантириш; бўлажак ўқитувчиларда ташкилотчилик ва бошқарувга доир фазилатларни ривожлантириш; бўлажак ўқитувчиларни мураккаб педагогик ва ҳаётий вазиятларда муҳим ижтимоий аҳамиятга эга қарорлар қабул қилишга тайёрлаш.

Талабаларнинг маънавий маданиятини ривожлантириш жараёни билан боғлиқликда ижтимоий-педагогик вазиятларни танлай олиш малакасини таркиб топтиришда қуйидаги босқичларга асосланилди: йўналтирувчи босқич. Мазкур босқичда талабалар билимларни ўзлаштириш, фаоллаштириш методлари(матн ва илмий матн билан ишлаш)ни ўзлаштиришди; изланишга доир. Ижтимоий-педагогик вазиятлар далил (воқеа, ҳодиса)лардан ташкил топади ва мазкур далилларнинг келиб чиқиш сабаб-оқибатлари ва улар орасидаги боғланишларни аниқлашни талаб этди. Вазифанинг англаниши фақат қонун (моҳиятли сабаб-оқибат алоқадорлиги) ва унинг модели тасвири асосида ечим топилиши мумкин; шакллантирувчи босқич. Мазкур босқичда талабалар мустақил равишда сабаб-оқибат алоқадорликларини аниқлаш ва моделлаштириш асосида вазиятларнинг ечимини излаб топишга жалб этилди; тадқиқотчиликка доир. Ушбу босқичда талабалар маънавий ҳаёт ва ижтимоий ҳодисаларни тасниф қилиш, вазиятларнинг ечимини излаб топиш ва қарорларни таҳлил этиш, ижтимоий-педагогик вазиятларни ўзида адекват акс этириш, аниқ вазиятларнинг ечимини мустақил излаб топишни ўрганишди.

Юқоридаги босқичлар билан боғлиқликда талабаларнинг ижтимоий-педагогик вазиятларнинг ечимини излаб топиш билан алоқадор ўқув-билиш фаолиятининг қуйидаги даражалари аниқланди (1-жадвал):

**Талабаларнинг ижтимоий-педагогик вазиятларнинг ечимини излаб  
топиш билан боғлиқ ўқув-билиш фаолияти даражалари**

№	Ўқув-билиш фаолияти даражаси	Даражалар тавсифи
1.	Пассив (суст)	Вазиятларнинг ечимини топиш ва топшириқларни бажаришга қизиқишнинг мавжуд эмаслиги
2.	Репродуктив	Мавжуд тасаввурлар ва эмоционал идрок асосида вазиятларнинг ечимини топиш
3.	Англаган	Англаган алгоритмлаштирилган ёндашув асосида вазиятларнинг ечимини топиш
4.	Умумлаштирувчи	Таклиф этилган методнинг қулайлиги ва самарадорлигини кўрсатиб бера олиш қобилияти
5.	Ижодий	Ижтимоий-педагогик муаммоларни мустақил аниқлаш ва вазиятларни лойиҳалаш қобилияти

Талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш даражаларини ҳисобга олган ҳолда, уларда маънавий маданиятни ривожлантиришга имкон берувчи ижтимоий-педагогик вазиятлар тўрт гуруҳга ажратилди: элементар модели муаммоли вазиятларнинг ечимини излаб топишга доир вазифалар; содда модели муаммоли вазиятларнинг ечимини излаб топишга доир вазифалар; мураккаблаштирилган модели муаммоли вазиятларнинг ечимини излаб топишга доир вазифалар; мураккаб модели муаммоли вазиятларнинг ечимини излаб топишга доир вазифалар.

Диссертациянинг **“Талабаларда маънавий маданиятни ривожлантиришнинг интеграллашган тарбия технологиялари”** деб номланган учинчи бобида талабаларда маънавий маданиятни ривожлантиришнинг локал-модулли технологияси, нейролингвистик дастурлаштириш технологияси воситасида талабаларнинг маънавий маданиятини ривожлантириш ҳамда техноген цивилизация ва талабаларда маънавий маданиятни ривожлантиришнинг уйғунлиги масалалари баён этилган.

Тадқиқот доирасида талабаларда маънавий маданиятни ривожлантиришнинг беш – танишув, билишга доир; баҳолаш, рефлексия, танлов; интериоризация; фазилатларни фаолиятда намоён этиш; мустаҳкамлаш ва коррекция босқичларини ўз ичига қамраб олган локал-модулли технологияси ишлаб чиқилди (2-жадвал).

**Педагогика олий таълим муассасаси талабаларида маънавий  
маданиятни ривожлантиришнинг локал-модулли технологияси**

<b>Босқичлари</b>	<b>Мазмуни</b>	<b>Шакл, метод ва воситалари</b>
Танишув, билишга доир	Маънавий маданиятга хос сифатларни тақдим этиш ва намойиш қилиш, тушунтириш	Индивидуал, гуруҳли, оммавий, мунозаралар, дебатлар, тренинглар, муаммоли тавсифдаги суҳбат, эркин ёзиш, беш минутлик эссе, аклий хужум
Баҳолаш, рефлексия, танлов	Тақдим этилган фазилатлар билан ўзаро таъсирга киришиш – муносабат, баҳолаш; ўз тажрибасига, ўзининг фазилатлар тизимига киритиш ёки инкор этиш	Индивидуал, гуруҳли, оммавий, фикрлар хужуми, фикрлар шкаласи, ўз-ўзини баҳолаш, бадий-маърифий асарлар, мультимедиа воситалари
Интерииоризация	Маънавий маданиятнинг бўлажак педагоглар учун аҳамиятини аниқлаштириш. Маънавий маданиятга доир фазилатларни хатти-ҳаракатлар учун одат сифатида қабул қилиш	Индивидуал, ўз-ўзини таҳлил этиш, ўз-ўзини баҳолаш, ўз-ўзини назорат қилиш, ахлоқий мавзудаги ролли ва баҳолашга доир вазиятлар
Фазилатни фаолиятда намоеън этиш	Маънавий маданиятга ижобий муносабат, хулқ-атворни фаолият ва мулоқотнинг реал ҳаётий шароитларига киритиш	Индивидуал, гуруҳли, оммавий, хашарлар, экскурсиялар, марафонлар, танловлар, сайллар, мусобақа, рағбатлантириш, лойиҳа, ўйинли вазият, ижтимоий лойиҳа
Мустаҳамлаш ва коррекция	Маънавий маданиятни такрорланадиган вазиятлар (машқлар) ёрдамида фаолиятда мустаҳкамлаш ва коррекциялаш	Индивидуал, машқ, намойиш этиш, мушоҳадали тажриба, педагогик вазиятлар, репродуктив образли суҳбат, тест (рефлексли таркибга эга, тушунчали), тугалланмаган гаплар методикаси

Глобаллашув жараёни ҳозирги замон ижтимоий тараққиётини ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий ва маданий қамраб олган шароитда шахс маънавий маданияти ривожига эҳтиёжнинг ошиб бориши тамойилларини таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир.

Мазкур жараён энг кенг қамровли ва мураккаб ижтимоий ҳодиса ҳисобланиб, унинг ривожланиши ва ҳаётга татбиқ қилинишининг асосий омиллари: турли халқ ва миллатлар ўртасидаги байналмилалчилик хусусиятларини шакллантиришни; шахс маънавий маданиятини мунтазам бойитиш ва янги сифат даражасига кўтаришни; шахснинг манфаати ва эҳтиёжларини ҳисобга олишни; миллий ва диний қадриятларнинг халқ маънавияти ривожланишига кучли таъсирини инобатга олиш зарур. Демак, шахснинг ушбу жараёндаги иштирокининг фаоллиги унинг мавжуд манфаат

ва эҳтиёжларни англаганлик даражаси, маънавий маданиятни ривожлантиришга эҳтиёжнинг ортиб бориши билан боғлиқдир.

Талабаларнинг маънавий маданиятини ривожлантиришда айнан нейролингвистик дастурлаш технологиясини татбиқ этишга бугун алоҳида эҳтиёж туғилмоқда. Нейролингвистик дастурлаштириш талабанинг субъектив тажрибасини, унинг фикрлаш, хулқ ва коммуникатив жараёнларини ифодалаш усули сифатида атроф-оламни ўзи ва бошқалар томонидан тўғри идрок қилиш, самарали мулоқотни ташкил этишга ёрдам беради. Нейролингвистик дастурлаштириш талабанинг хулқ-атвор стратегиясини таҳлил этиш асосида уни муваффақиятли қўллаш имконини беради.

Нейролингвистик дастурлаштириш – таълимнинг гуманитар технологияси ҳисобланиб, унинг асосий вазифаси талабаларда маънавий маданиятни ривожлантиришга доир кафолатланган натижаларга эришиш учун самарали мулоқот техникасини шакллантириш, ўқувчиларнинг хулқ-атворини онгли равишда ўзгартиришга йўналтирилган фаолиятга тайёрлашдан иборатдир.

Нейролингвистик дастурлаштиришнинг учта асосий элементи мавжуд: “нейро” – нерв тизимининг мия ва тана ўртасидаги алоқадорлиги; “лингвистика” – сўзлар ва тил воситасида ўзаро таъсир кўрсатиш; “дастурлаштириш” – фикр ва ҳаракатларни кетма-кетликда такрорланиб туришини тизимга солишни англатади. Демак, таълим олувчиларни тил ва сўзлар воситасида фикри ҳамда хатти-ҳаракатини бошқариш нейролингвистик дастурлаштиришнинг асосий моҳиятини ташкил этади.

Тадқиқот доирасида талабаларнинг маънавий маданиятини ривожлантиришга доир нейролингвистик дастурлаштиришнинг қуйидаги усул ва техникалари ишлаб чиқилди:

Мослашиш ва бошқариш. Мазкур техника лингвистик дастурлаштиришнинг асосини ташкил этиб, талабанинг маънавий хулқ-атворида муваффақиятли таъсир этиш учун унинг ҳаракатлари (ҳолати, кайфияти, кўз қараши, гавдани тутиши, қўл ва оёқларининг ҳолати)га мослашиш муҳим аҳамиятга эга.

Талабага аниқ йўналтирилган таъсир кўрсатишда нафас олиш ритмига мослашиш яхши самара беради. Бунинг учун талабанинг нафас олишини кузатиш, нафас олган вақтида жим туриш, аксинча у нафас чиқараётганда унга мурожаат қилиш лозим. Натижада талабанинг онг ости ҳолатида унга айтилаётган гаплар худди ўзи томонидан айтилаётганидек таассурот қолдиради. Айтайлик, талабанинг унга берилган танбеҳдан жаҳли чиқяпти. Мазкур ҳолатда ўқитувчи ҳам худди жаҳл қилгандек физиологик ҳолатга киришиши, яъни талабанинг вазиятига мослашиши талаб этилади. Ана шу суръатда суҳбатни давом эттириш, аста-секинлик билан ўқитувчи ўз психик ҳолатини мўътадиллаштириши зарур. Талаба ўз навбатида ўқитувчининг тинч ҳолатига мослашади ва босиқлик билан вазиятга ёндашади.

Стереотипларни бартараф этиш. Маълумки, ҳамма инсонлар сингари талабаларнинг мияси ҳам доимий ва ўзгармас информациялар билан

ишлашга мўлжалланган. Ўзи истаган хатти-ҳаракатни амалга оширишга тўсқинлик қилиниши эса, уларда транс ҳолатни юзага келтириб, уларнинг хулқ-атвориغا самарали таъсир этиш имконини беради. Мазкур ҳолатда айниқса, дахлдорлик, ҳамкечинмалилик, кескинлик ва бартараф этишга йўналтирилган педагогик вазиятлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Дахлдорлик вазиятида талабаларда замонамизнинг долзарб муаммолари билан бевосита алоқадорликни англаш, дунёда юз бераётган воқеа-ҳодисаларнинг ҳаммаси учун масъулиятни ҳис қилиш туйғуси таркиб топтирилиб, ён-атрофдаги кишилар кайфияти ва манфаатларини сезиш ва улар билан ҳисоблашиш малакасини таркиб топтириш билан бир қаторда бу вазиятда талабаларда эзгу мақсадга эришиш воситалари ҳақида тасаввур ҳосил қилинади. Ҳамкечинмалик вазиятида ўқитувчи талабаларни қандайдир маънавий тубанлик билан боғлиқ воқелик билан тўкнаштиради. Мазкур ҳолат эмоционал (талаба у кишига қанчалик қийин эканини тасаввур қилади), мантиқий (вазиятларни ҳал қилишнинг энг яхши йўллари излаш), шунингдек фаолиятли (ўз муносабатини белгилаш ва шу вазиятда ўз хулқ-атвор йўналишини белгилаш) даражаларида рўй беради. Кескинлик вазияти қандайдир узоқ муддат давомида шахснинг жиддий маънавий-ахлоқий ҳис-туйғуларини фаол тарзда тутиб туришга қаратилган бўлиб, мазкур ҳолат талабаларни ахлоқий барқарорликни намоён этишга мажбур қилади. Фаолият қанча узоқ муддатли ва кескин бўлса, талабадан талаб қилинадиган ахлоқий кўринишлар барқарорлиги шунча юқори бўлади. Сўнгра эса, маънавий-ахлоқий стереотипларни бартараф этиш вазиятидаги кўринишларга зарурат юзага келади. Талабалар ўқитувчининг жаҳл қилишини, анъанавий айтиладиган фикрларни билдириши, жиддий маъруза қилишини кутишади, бироқ талабалардаги стереотипларни бартараф этиш учун мазкур ҳолатда улар кутмаган тарзда сермулозаматда бўлиш, ностандарт вазиятларни ўртага ташлаш, маъруза ўқиш жараёнида ҳазил-мутойибадан фойдаланиш, фасилитаторлик ролини бажариш талаб этилади.

Бузғунчи миш-мишларга қарши кураш. Мазкур техника профилактик тадбирлар сирасига кириб, талабаларни миллий маънавий меросимиз, миллий қадриятларимиз, тарихий шахсларга нисбатан ахборот хуружларидан муҳофаза қилиш имконини беради. Бунинг учун талабалар онги ва қалбига кириб, уларнинг ислоҳотларга ишончини сўндириш мақсадида тўқилган миш-мишлар ўқитувчи томонидан илмий асосда ўрганилиб, тизимлаштирилиб, зарарсизлантирилиши керак. Миш-мишларга қарши тарғиботда ўқитувчи-мураббий қаршисида икки йўл пайдо бўлади: 1) индамай қўя қолиш (бу эса тарқалган миш-мишга нисбатан ҳаракатсизликни ёки уни рағбатлантиришни англатади); 2) фош қилиш (лекин бу ҳам фош қилинаётган вайронкор миш-мишларнинг янада тарқалишига сабаб бўлиши мумкин). Тарғибот-ташвиқот тарихида бунинг ечими сифатида миш-мишни тўғридан-тўғри фош қилиш эмас, уни фактлар ёрдамида очиб ташлаш кераклигига алоҳида эътибор қаратилади. Демак, талабалар орасида маънавий таҳдид кўринишидаги миш-мишлар пайдо бўлса, ўқитувчи унинг бузғунчи таъсирини йўқотувчи тренинг

машғулотлари, видеоролик ва кўргазмали воситалардан самарали фойдаланиши лозим.

Лоқайдлик – иродасизликнинг олдини олиш. Мазкур техника талабалар онгида янги ғоя ва истакларни, бунёдкорлик туйғусини қарор топтиришга йўналтирилган бўлиб, иккиланиш ва ирода энергиясининг сустигини бартараф этишга хизмат қилади. Бунинг учун ўқитувчи энг аввало, талабаларда ўз куч ва имкониятларига ишончни қарор топтириши лозим. Ишонч эса ўз-ўзидан ҳосил бўлмайди. Бунинг учун талабаларга айтилаётган фикрлар амалиёт билан боғлаб қайта-қайта эшиттирилиши, кўргазмали, образли тарзда тақдим этилиши, синовдан ўтган мисоллар асосида сингдирилиши мақсадга мувофиқ. Ишонч эса, ўз навбатида истак ва ниятни пайдо қилади ва ҳаракат манбаи – иродага энергия беради.

Талабалар орасида иродали, фаол, ўртамиёна, лоқайд, бефарқ – турфа хил таълим олувчилар учрайди. Аммо уларнинг барчасини бирдек ҳаракатга келтириш учун ҳамма тез ва осон тушунадиган мақсад ва ғояни таклиф қилиш, унинг аҳамияти катта эканлигига ишонтириш лозим.

“Билимларни ўзлаштиришда танлов эркинлиги” машқи. Мазкур техника асосида талабалар нималарни ўрганиш истагида эканлиги, уларни бунга ундаётган сабаблар, ўқиб-ўрганишни хоҳлаган ва истамаётган вазиятларнинг оқибатларини англаш имкониятига эга бўладилар. Машқ талабаларга ўқиб-ўрганишга онгли ва масъулиятли муносабатда бўлишга доир ички қарама-қаршилиқлардан унумли фойдаланишга ёрдам беради. Бунинг учун ўқитувчи талабаларга билимларни ўзлаштиришда танлов эркинлиги рўйхатини тузишни таклиф этади. Рўйхатни тузишдан аввал талабалардан қуйидаги саволларга жавоб бериш талаб этилади: 1) менинг ўқиб-ўрганишим ёшимга мос келадими?; 2) ўзлаштираётган билимларим ҳажми ва сифати ҳаётий мақсадларимга мос келадими?; 3) мавжуд билимларим кундалик ҳаётий вазиятларга жавоб берадими? ва ҳ.к.

Машқни бажариш жараёнида ўқитувчи талабалардан қандай ахборотларни ўқиб-ўрганишга ҳаққи йўқ эканлигини ҳам ёзишни сўрайди ҳамда саволларга жавоб бериш жараёнида ўз фикрларига асос келтиришлари лозимлигини таъкидлаб ўтади. Рўйхатни тузиш жараёнида ҳаётий қийинчиликларни енгиб ўтишга ёрдам берадиган компетенциялар рўйхатини тузиш, юзага келиши мумкин бўлган муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари баён этиш сўралади.

“Ҳаётий тажрибани ўзлаштириш” машқи. Мазкур техника талабаларга бошқа кишиларнинг ҳаётий тажрибаларини ўрганиш ва ўз ҳаётий мақсадларини аниқлаштириш имконияти беради. Ўқитувчи дастлаб талабалардан дафтарларига ўзларига таниш кишиларнинг ҳаётий тажрибалари мажмуини тузишни сўрайди. Сўнгра улар вақти-вақти билан ўзаро дафтарларини алмаштириб туришлари, ҳар сафар ўзларининг ҳаётий тажрибаларидан битта мисол ёзишлари лозимлигини тушунтиради.

Маънавий маданиятнинг ривожланиши турли омиллар – табиат, техника, сиёсат ва бошқалар билан бевосита боғлиқ бўлиб, жадал

ривожланаётган фан-техника тараққиёти натижалари билан маданиятнинг ўзаро муносабати муаммоси долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ҳозирги глобаллашган дунёда ёшлар онгига салбий таъсир қилаётган унсурлар ҳам пайдо бўлаётганига бефарқ қарай олмаймиз. Ягона ахборот маконида авж олаётган турли мафкуравий таҳдидлар, ахборот хуружлари ёш авлод онгу шуурига жиддий зарар етказиши мумкин. Асосий мақсад – ёш авлодни ўша хуруж ва таҳдидлардан ҳимоя қилишга қаратилмоғи зарур. Зеро, глобаллашув – инсоннинг онгу шуури, тафаккури самараси сифатида вужудга келган жаҳон миқёсидаги умумий жараён, таъбир жоиз бўлса, инсоният бошидаги яна бир синов. Бугунги кунда дунёдаги айрим қудратли давлатлар ўз миллий манфаатларини амалга оширишда глобаллашув жараёнидан устамонлик билан фойдаланиб қолишга уринмоқда. Бу манфаатларнинг шакли, кўриниши, соҳаси, йўналиши, турлича. Шундай экан, талабаларда китобхонлик малакаларини таркиб топтириш ва бу орқали маънавий маданиятни ривожлантиришга алоҳида эҳтиёж сезилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови” мавзусидаги маърузасида: “Бугунги тез ўзгараётган дунё инсоният олдида, ёшлар олдида янги-янги, буюк имкониятлар очмоқда. Шу билан бирга, уларни илгари кўрилмаган турли ёвуз хавф-хатарларга ҳам дучор қилмоқда. Ғаразли кучлар содда, ғўр болаларни ўз ота-онасига, ўз юртига қарши қайраб, уларнинг ҳаётига, умрига зомин бўлмоқда.

Бундай кескин ва таҳликали шароитда биз ота-оналар, устоз мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла-кўй бу масалада ҳушёрлик ва огоҳликни янада оширишимиз керак. Болаларимизни бировларнинг қўлига бериб қўймасдан, уларни ўзимиз тарбиялашимиз лозим. Бунинг учун ёшларимиз билан кўпроқ гаплашиш, уларнинг қалбига қулоқ солиш, дардини билиш, муаммоларини ечиш учун амалий кўмак беришимиз керак”<sup>1</sup>, деб таъкидладилар.

Тадқиқот доирасида техноген цивилизация шароитида талабаларнинг маънавий-маданиятини ривожлантиришга доир қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди: миллий ахборот маконига қатъий чегара қўйиб бўлмаслигини назарда тутиб, талабаларнинг маънавий оламининг дахлсизлигини таъминлайдиган, вайронкорлик ва бузғунчилик мазмунидаги ахборот оқимидан ҳимоя қилишнинг муҳим омили сифатида “Ёшларни зарарли ахборотлар таъсиридан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини, “Хавфсиз интернет” дастурини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ; ахборотнинг йўлини тўсиб қўйиш тескари самарадорлик, миш-мишлар ва ваҳиманинг кучайишига сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун бундай шароитда истисносиз талабаларни содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар ва

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2016 йил 8 декабрь.

уларнинг моҳияти ҳақида “олдини олиш” тарзида хабардор қилиб бориш, ҳар қандай ташқаридан узатилаётган маълумотнинг, албатта, маълум мақсад кўзлашини ва бундай маълумот реалликни адекват акс эттирмаслигини англатиш ва энг муҳими бундай тадбирларни керак бўлганида эмас, доимий, мунтазам “ахборотга қарши эмлаш” шаклида амалга ошириш зарур; техноген цивилизация шароитида талабаларда маънавий-маданиятни ривожлантиришда психологик ресурсларни самарали жалб этиш лозим; ахборотлар глобаллашуви шароитида маънавий маданиятни ривожлантиришда талабаларнинг нафақат онги, балки ҳис-туйғусига ҳам таъсир кўрсатиш, уларда жамиятнинг шахсга қўядиган ахлоқий талабларига мувофиқ хулқий малака ва одатларни таркиб топтириш лозим. Бир сўз билан айтганда “онг-ҳиссиёт-ирода” бирлигига таяниш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, тадқиқот доирасида талабаларда китобхонлик ва мутолаа маданиятини ривожлантиришнинг локал-модулли технологияси ишлаб чиқилди (3-расм).



**3-расм. Талабаларда китобхонлик ва мутолаа маданиятини ривожлантиришнинг локал-модулли технологияси**

Диссертациянинг “Педагогика олий таълим муассасаси талабаларида маънавий маданиятни ривожлантириш самарадорлиги” деб номланган тўртинчи бобида тажриба-синов ишлари мазмуни ва натижалари баён этилган.



Тажриба-синов ишларини муайян тартибда ва дастур асосида ташкил этилиши ушбу жараённинг самарадорлигини таъминлади. Тажриба-синов ишлари дастурида талабаларнинг маънавий маданиятини ривожланганлигини ташхис этиш мезонлари, кўрсаткичлари ҳамда диагностик воситалари аниқлаштирилди (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Талабаларда маънавий маданиятнинг ривожланганлигини ташхис этиш кўрсаткичлари ва усуллари

Мезонлар	Кўрсаткичлар	Диагностик воситалар
Ахборий когнитив	Ўз-ўзини ривожлантиришга интилиш	Ўз-ўзига баҳо бериш тести
	Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари ва маънавий меросимиздан хабардор бўлиш	Тугалланмаган гаплар методикаси
Шахсий-қадриятга йўналтирилган	Маънавий меросга қадрият сифатида қараш ва аксиологик йўналганлик	Қадриятга йўналганликни баҳолаш методикаси, “Қадриятлар” ўйини, “Мен ҳеч қачон ...маганман” методикаси
Ҳиссий-эмоционал	Эмоционал йўналганлик	Эмоционал ҳолатларда ўз-ўзини назорат қилишнинг намоён бўлишини ўрганиш методикаси
	Мурувват ва олийжаноблик ҳисси	“Хушмуомалалик” ва “Олийжаноблик” методикалари
	Масъулият ҳисси	“Ёрдамчилар”, “Бир-бири учун”, “Ҳамма – баъзилар – фақат мен”, “Масъулият ҳисси” методикалари
	Виждонийлик туйғуси	“Виждонийлик шкаласи” методикаси
Фаолиятли-ижодий	Маънавиятни юксалтиришга ўз ҳиссасини қўшиш ва ҳамкорликдаги ижодий фаолиятга интилиш	“Шахс ижодий салоҳиятини ўз-ўзи томонидан баҳолаш” методикаси

Тажриба-синов ишлари – асословчи ва таъкидловчи босқичларда амалга оширилиб, Тошкент давлат педагогика университети, Навоий давлат педагогика институти, Жиззах давлат педагогика институтларининг жами 494 нафар 3-4 курс талабалари иштирок этишди.

Объектив шарт-шароитларда сўровнома ва анкета саволларига жавоб олиш учун тажриба ва назорат гуруҳлари бўйича жами 494 нафар талаба жалб этилди. Сўровнома ва анкета саволларига олинган натижалар қуйидаги кўринишда умумлаштирилди (4-жадвал):

**4-жадвал**

**Талабаларнинг маънавий маданиятга доир хулқ-атвор стратегияларини танлаш даражалари**

Маънавий маданиятга доир хулқ-атвор стратегияларни баҳолаш кўрсаткичлари	Талабаларнинг натижалари							
	Тажриба гуруҳи n=246				Назорат гуруҳи n=248			
	Тажриба аввалида		Тажриба сўнггида		Тажриба аввалида		Тажриба сўнггида	
Маънавий маданиятга доир хулқ-атвор стратегияларини тўғри танлай олади. Маънавий маданиятга доир компетенцияларни яхши ўзлаштирган.	136	55%	186	76%	154	62%	162	65%
Маънавий маданиятга доир хулқ-атвор стратегияларини танлай олади. Бироқ маънавий маданиятга доир компетентлик тўлиқ шаклланмаган.	60	24%	44	18%	52	21%	40	16%
Маънавий маданиятга доир хулқ-атвор стратегияларини аниқ танлай олмайди. Маънавий маданиятни ўзлаштириш асосида шахсий ва касбий ижтимоийлашув даражаси паст.	50	21%	16	6%	42	17%	46	19%

4-жадвал натижаларидан маълум бўладики, амалга оширилган педагогик тажриба-синов ишлари асосида тажриба гуруҳи талабаларида маънавий маданиятга доир хулқ-атвор стратегияларининг тўғри танлай олиш кўникма ва малакаларида сифат ўзгаришлари (55% дан 76 % даражага) юзага келган бўлиб, маънавий маданиятни ўзлаштириш асосида шахсий ва касбий ижтимоийлашув даражаси пастлиги 21%дан 6%га камайган. Назорат гуруҳида эса, сифат ўзгариши (фақат 3%га) сезиларли бўлмаган ҳолда, хулқ-атвор стратегияларининг аниқ танлай олмаслик ҳамда маънавий маданиятни ўзлаштириш асосида шахсий ва касбий ижтимоийлашув даражасининг пастлиги 17%дан 19%га ўсиб борган. Демак, талабаларнинг маънавий маданиятини ривожлантиришга доир педагогик таъсирларнинг тизимли йўлга қўйилмаслиги, улардаги мавжуд хулқ-атвор стратегияларнинг йўқолиб бориши ҳамда шахсий ва касбий ижтимоийлашувининг сустлашувига олиб келади.

Тажриба-синов ишлари сўнггида тадқиқотга доир эмпирик материалларни умумлаштириш асосида педагогика олий таълим муассасаси талабаларининг маънавий маданиятини ривожланганлик даражасини

аниқлашга доир тўрт (билиш-ахборий, шахсий-қадриятли, ҳиссий-эмоционал ва фаолиятли-ижодий) гуруҳ мезонлар бўйича якуний ҳолати ҳосил қилинди (5-жадвал).

**5-жадвал**

**Педагогика олий таълим муассасаси талабаларида маънавий маданиятнинг ривожланганлик даражаси (фоиз ҳисобида)**

Мезонлар	Кўрсаткичлари	Респондентлар сони n= 494					
		Юқори		Ўрта		Паст	
		Назорат гуруҳи	Тажриба гуруҳи	Назорат гуруҳи	Тажриба гуруҳи	Назорат гуруҳи	Тажриба гуруҳи
Ахборий-билиш	Умуммаданий ва касбий тавсифдаги билимларга эгалик	60	72	30	24	10	4
	Педагогик касбига доир маънавий-маданий ўзига хосликларни билиш	32	78	28	16	40	6
	Мустақил маънавий-маданий фаолияти	43	76	24	20	33	4
Шахсий-қадриятли	Маънавий маданият асосида касбий фаолият мотивларининг шаклланганлиги	33	78	27	12	40	10
	Маънавий маданият ва танланган касбга нисбатан ижобий муносабат	37	77	22	16	41	7
	Маънавий маданиятга доир ва касбий фаолиятга хоҳиш-истакнинг мавжудлиги	58	78	32	20	10	2
Ҳиссий-эмоционал	Маънавий маданиятга нисбатан ижобий ҳиссийёт (эмоция)	52	82	23	25	15	3
	Гуруҳ ва яхлит таълим муассасаси ҳаётида фаол иштирок этиш	55	73	24	25	21	2
	Ўз-ўзига ишонч, объектив ўз-ўзини баҳолаш, ўз-ўзини назорат қилиш қобилияти	39	74	24	20	37	6
	Ўз олдига мақсад қўя олиш ва уни амалга ошира олиш кўникмасига эгалик	32	62	25	32	43	6
Фаолиятли-ижодий	Илмий билиш методларини эгаллаш, фанлараро алоқадорликни йўлга қўя олиш кўникмасига эгалик	26	61	26	34	48	5
	Манбалар билан ишлаш, ўқув фаолиятини ташкил этиш кўникмасига эгалик	38	76	36	20	26	4
	Ўз-ўзини назорат қилиш, мустақил таълим олиш, ўз-ўзини баҳолаш	27	71	32	24	41	5
	Ўқув фаолиятини мустақил ташкил эта олиш малакасига эгалик	24	63	36	33	40	4

Амалга оширилган тажриба-синов ишлари натижаларини 6-жадвал кўрсаткичлари асосида педагогика олий таълим муассасаси талабаларида маънавий маданиятнинг ривожланганлик даражасини тажриба-синовгача

бўлган даврда ўтказилган тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўзлаштиришларини умумий ҳолда статистик таҳлил қиламиз. Математик ҳисоблаш қулай бўлиши учун репрезентатив тарзда тажриба гуруҳининг 182 нафар, назорат гуруҳининг 178 нафар талабасининг кўрсаткичлари асос сифатида олинди.


Тажриба аввалидаги таҳлил натижаларини умумий ҳолда қуйидаги жадвалда ифодалаймиз:

**6-жадвал**

**Педагогика олий таълим муассасаси талабаларида маънавий маданиятнинг ривожланганлик даражаси (тажриба аввалида)**

Гуруҳлар	Талабалар сони	Ўзлаштириш даражалари		
		Юқори	Ўрта	Паст
Тажриба гуруҳи	182	43	86	53
Назорат гуруҳи	178	46	88	44

Бу танланмаларга мос келган диаграммани чизамиз:



**4-расм. Педагогика олий таълим муассасаси талабаларида маънавий маданиятнинг ривожланганлик даражасини аниқлаш диаграммаси (тажриба аввалида)**


Тажриба сўнггидаги таҳлил натижаларини умумий ҳолда қуйидаги жадвалда ифодалаймиз:

**7-жадвал**

**Педагогика олий таълим муассасаси талабаларида маънавий маданиятнинг ривожланганлик даражасини аниқлаш кўрсаткичлари (тажриба сўнггида)**

Гуруҳлар	Талабалар сони	Ўзлаштириш даражалари		
		Юқори	Ўрта	Паст
Тажриба гуруҳи	182	58	91	33
Назорат гуруҳи	178	43	80	55

Бу танланмаларга мос келган диаграммани чизамиз:



**5-расм. Педагогика олий таълим муассасаси талабаларида маънавий маданиятнинг ривожланганлик даражасини аниқлаш диаграммаси (тажриба сўнгида)**

Олинган натижалардан ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан катталиги ва билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан катталигини кўриш мумкин. Бундан маълумки, тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш назорат гуруҳидаги ўзлаштиришдан юқори экан. Тадқиқот натижалари педагогика олий таълим муассасаси талабаларида маънавий маданиятнинг ривожланганлик даражаларини аниқлаш бўйича ўтказилган тажриба-синов ишлари самарадор эканлигини тасдиқлайди.

## ХУЛОСА

Амалга оширилган илмий таҳлиллар, тақдим этилган методик, ишланмалар ва тавсияларни умумлаштирган ҳамда уларнинг самарадорлик даражасини баҳолаган ҳолда қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Маънавий маданият бўлажак ўқитувчи шахсини ижтимоийлаштиришнинг муҳим омили сифатида жамиятдаги кадриятларни ўзлаштириш ҳамда ижтимоий ва шахсий етукликка эришиш асосида ижтимоий фаоллик кўрсатиш, ўз мақсадларини мустақил аниқлай олиш ва уларга эришиш йўллари билгилан олиш, жамиятдаги ўз ўрнига ишонч ҳосил қилиш манбаи бўлиб хизмат қилади.

2. Педагогика олий таълим муассасаси талабаларида маънавий маданиятни ривожлантиришда аниқ методологик ёндашув ва назарияларга асосланиш, тарихий-фалсафий, миллий, педагогик-психологик омилларнинг яхлитлиги ва бирлигини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ.

3. Тадқиқот натижалари педагогика олий таълим муассасаси талабаларида маънавий маданиятни ривожлантиришда қуйидаги тамойилларга асосланиш лозимлигини кўрсатди: яхлит ёндашув; таълим оловчига – педагогик қўллаб-қувватлашга эҳтиёж сезувчи, индивидуал муносабатда бўлишни талаб этувчи шахс деб қараш; тарбиявий иш мазмуни, шакл ва методларини танлаб олишда табақалаштирилган ёндашув; табиат билан уйғунлик; маданият билан уйғунлик; тарбиявий жараёндаги

муносабатларни ташкил этишга инсонпарвар ёндашув; кадриятли-мазмунли ёндашув.

4. Талабаларда маънавий маданиятни ривожлантиришнинг диагностик тизими ахборий-когнитив, шахсий-кадриятга йўналтирилган, ҳиссий-эмоционал ва фаолиятли-ижодий мезонлар ҳамда унга мос кўрсаткичларини аниқлаштириш орқали педагогик-психологик ташхис методикалари мажмуини ишлаб чиқиш асосида такомиллаштирилди.

5. Тадқиқот доирасида талабалар билиш фаолияти даражаларини ҳисобга олган ҳолда, уларда маънавий маданиятни ривожлантиришга имкон берувчи элементар моделли; содда моделли; мураккаблаштирилган моделли; мураккаб моделли муаммоли вазиятларни ҳал этишга доир ижтимоий-педагогик вазибалар тизими аниқлаштирилди.

6. Тадқиқот доирасида талабаларда маънавий маданиятни ривожлантиришнинг танишув, билишга доир; баҳолаш, рефлексия, танлов; интериоризация; фазилатни намоён этиш; мустаҳкамлаш ва коррекция босқичларини ўз ичига қамраб олган локал-модулли технологияси ишлаб чиқилди.

7. Нейролингвистик дастурлаш технологияси воситасида талабаларнинг маънавий маданиятини ривожлантириш замонавий тарбия парадигмаларининг асосини ташкил этиб, бўлажак мутахассисларнинг шахсий ва касбий позициясини таркиб топтиришга хизмат қилади.

8. Ахборотларнинг глобаллашуви шароитида маънавий маданиятни ривожлантиришда талабаларнинг онгигагина эмас, балки ҳис-туйғуларига ҳам эътибор бериш, уларда жамиятнинг шахсга қўядиган ахлоқий талабларига мувофиқ хулқий малака ва одатларни таркиб топтириш, “онг – ҳиссийёт – ирода” бирлигига таяниш мақсадга мувофиқдир.

9. Педагогика олий таълим муассасаси талабаларининг маънавий маданиятини ривожлантиришда оила, маҳалла ва нодавлат ташкилотлар ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш, уларда китобхонлик ва мутолаа маданиятини ривожлантиришда мотивацион, фаолиятга доир ва кадриятга йўналтирилган компонентларнинг ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олиш лозим.

10. Педагогика олий таълим муассасаси талабаларида маънавий маданиятни ривожлантиришда маънавий профилактика тизими, ижтимоий-педагогик фаолият, нейролингвистик дастурлаштириш, андрагогик ёндашув, педагогик деонтология ҳамда техноген цивилизация ва маънавий маданиятнинг уйғунлиги каби механизмларнинг таъсири ва ўзаро алоқадорлигига асосланиш мақсадга мувофиқ.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017. Ped.26.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА НАУК ПРИ ТАШКЕНТСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**САЛИЕВА ЗУХРА ТАХИРОВНА**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕХАНИЗМОВ РАЗВИТИЯ ДУХОВНОЙ  
КУЛЬТУРЫ У СТУДЕНТОВ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ВУЗОВ**

**13.00.01 – Теория и история педагогики. Менеджмент в образовании**

**АВТОРЕФЕРАТ ДОКТОРСКОЙ (DSc) ДИССЕРТАЦИИ ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ  
НАУКАМ**

**Ташкент – 2017**

**Тема докторской диссертации зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.1.DSc/Ped2**

Докторская диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский) размещен на веб-странице по адресу [www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz).

<b>Научный консультант:</b>	<b>Эгамбердиева Нодира Мелибаевна</b> доктор педагогических наук, профессор
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Адизов Бахтиёр Рахмонович</b> доктор педагогических наук, профессор <b>Исмаилова Зухра Карабаевна</b> доктор педагогических наук, профессор <b>Маврулов Абдухалил Абдулхаевич</b> доктор исторических наук, профессор
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Национальный университет Узбекистана</b>

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2017 года в \_\_\_ часов на заседании Специализированного совета 14.07.2016 Ped.04.01 при Ташкентском государственном педагогическом университете (Адрес: 100011, город Ташкент, Чиланзарайский район, ул. Бунёдкор, дом 27. Тел: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86; e-mail: [tgpu\\_kengash@edu.uz](mailto:tgpu_kengash@edu.uz).)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного педагогического университета (зарегистрирован за № \_\_). Адрес: 100185, город Ташкент, Чиланзарайский район, ул. Бунёдкор, дом 27. Тел: 99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86.

Автореферат диссертация разослан \_\_\_\_\_ 2017 года  
(реестр протокола рассылки № \_\_\_\_\_ от \_\_\_\_\_ 2017 года).

**Ш.С.Шарипов**

Председатель Научного совета по присуждению  
ученой степени доктора наук, д.п.н., проф.

**Р.Г.Исянов**

Ученый секретарь Научного совета по присуждению  
ученой степени доктора наук, к.п.н.

**Д.Д.Шарипова**

Председатель научного семинара при Научном совете  
по присуждению ученой степени доктора наук, д.п.н., проф.



## ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В XXI веке развитие техногенной цивилизации в мировом масштабе привело к возникновению противоречия в развитии материальной и духовной культуры. В прогрессе технической цивилизации на определенные факторы учебно-познавательной деятельности студентов уделяется отдельное внимание не с точки зрения их поведения, системы духовных ценностей, а важности технократического мышления. Под воздействием научно-технического освоения мира человеческое мышление превращается в целенаправленную, разумную, чисто инструментальную способность, которая становится неспособной критически анализировать стратегические действия научно-технической культуры.

За годы независимости пришли к твердому выводу, что в стране разработана новая система подготовки педагогических кадров, профессиональная, духовно-нравственная подготовка будущих учителей определяет качество и эффективность обучения в непрерывном образовании. И поэтому как основная цель Национальной программы по подготовке кадров определено «коренное реформирование сферы образования, полный отказ от ее идеологизированной зашоренности, создание Национальной системы подготовки высококвалифицированных кадров на уровне развитых демократических государств, отвечающей требованиям высокой духовности и нравственности»<sup>1</sup>. В результате были разработаны эффективные организационно-педагогические механизмы подготовки будущих учителей, основанные на богатые национальные культурно-исторические традиции, обычаи и привычки, а также общечеловеческие ценности, обеспечена приоритетность гуманности образования. В совершенствовании механизмов развития духовной культуры у студентов на основе воспитания физически здоровой, духовно и умственно развитой, самостоятельно мыслящей, преданной Родине, с твердой жизненной позицией молодежи, повышения ее социальной активности в процессе углубления демократических реформ и развития гражданского общества важное место занимает Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан<sup>2</sup>.

В настоящее время в мире актуальное значение приобретают совершенствование технологии развития духовно-нравственной компетентности как фактор профессиональной социализации студентов в системе высшего образования; создание мультимедийных средств, направленных на поддержку социальной активности и инициативности студентов; совершенствование диагностической системы развития духовной культуры у студентов; совершенствование технологии нейролингвист-

---

<sup>1</sup> Национальная программа по подготовке кадров. // Собрание законодательства Республики Узбекистан. – Т., 2013. – С.15.

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». – / Собрание законодательства Республики Узбекистан. – Т., 2017. – С.39.

тического программирования развития духовной культуры у студентов; совершенствование педагогических механизмов развития у студентов культуры чтения книг.

Диссертационное исследование в определенной степени служит осуществлению задач, определенных в постановлениях Президента Республики Узбекистан «О мерах по укреплению материально-технической базы высших образовательных учреждений и кардинальному улучшению качества подготовки высококвалифицированных специалистов» от 20 мая 2011 года № ПП-1533, «О дополнительных мерах, направленных на реализацию государственной молодежной политики в Республике Узбекистан» от 6 февраля 2014 года № ПП-2124, «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования» от 20 апреля 2017 года № ПП-2909, распоряжении «О создании комиссии по развитию системы издания и распространения книжной продукции, повышению и пропаганде культуры чтения» от 12 января 2017 года, Указ «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года № УП-4947, а также в ряде других, касающихся этой деятельности, нормативно-правовых актах.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики – I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

**Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации<sup>1</sup>.** Научные исследования, направленные на развитие духовной культуры студентов педагогических высших образовательных учреждений осуществляются в ведущих научных центрах и высших образовательных учреждениях мира, в том числе Association for Educational Communications and Technology – АЕСТ (США), Belfield pedagogical university (Германия), Centre of increasing to pedagogical qualification on base Manchesters university (Великобритания); университет Чунанг (Южная Корея), Педагогический университет Мияги (Япония), Российская академия образования (Россия), Ташкентский государственный педагогический университет (Узбекистан).

В результате проведенных в мире исследований по развитию духовной культуры студентов педагогических высших образовательных учреждений, получен ряд научных результатов, в том числе: усовершенствованы организационные и стратегические механизмы реализации международного сотрудничества по разработке духовно-нравственных воспитательных технологий (Association for Educational Communications and Technology – АЕСТ); усовершенствована эффективная работа системы по подготовке к

---

<sup>1</sup> В описание этого раздела использовано следующие источники: Botcheva, L., Shih, J., Huffman, L. C. Emphasizing Cultural Competence in Evaluation: A Process-Oriented Approach / L. Botcheva, J. Shih, L.C. Huffman // American Journal of Evaluation. 2009. Volume 30. №2. P. 176-188.; Куронов М. Болам бахтли бўлсин, десангиз (Ота-оналар учун). – Т.: «Маънавият», 2013. – 320 б.; Куронов М. Биз англаётган ҳақиқат. – Т.: «Маънавият», 2008. – 152 б.

тьюторской деятельности студентов педагогических высших образовательных учреждений на основе механизмов менеджмента и сферы услуг (Belfield pedagogical university); разработана система социально-психологических тренингов, ориентированных на эффективную организацию духовно-просветительской деятельности студентов, дающих возможность проектирования воспитательных задач, применения духовно-нравственных знаний в различных воспитательных ситуациях (Centre of increasing to pedagogical qualification on base Manchesters university); разработаны проектно-конструктивные технологии развития духовности личности студента (университет Чуанг); разработана технология нейролингвистического программирования формирования духовности личности будущего педагога (Педагогический университет Мияги); разработана технология воспитания духовной культуры у студентов (Российская академия образования); разработана система диагностики духовно-нравственного развития студентов (Ташкентский государственный педагогический университет).

В мире по развитию духовной культуры студентов педагогических высших образовательных учреждений проводятся исследования, в том числе по ряду следующих приоритетных направлений: совершенствование педагогических механизмов организации и управления воспитательной деятельности в системе высшего образования; разработка вспомогательной компьютерной системы и виртуальных образовательных технологий развития духовной культуры студентов; разработка системы инновационных форм, методов и средств развития духовной культуры студентов; моделирование процесса подготовки к духовно-просветительской деятельности студентов на основе интеграции педагогических возможностей аудиторных и внеаудиторных занятий.

**Степень изученности проблемы.** Философские, социально-антропологические проблемы развития духовной культуры студентов исследованы А.Бегматовым, М.Каххаровой, А.Мавруловым, Ж.Туленовым, Г.Туленовой Э.Юсуповым, О.Гайбуллаевым,<sup>1</sup>

Из ученых психологов М.Давлетшиным, В.Каримовой, А.Леонтьевым, А.Маслоу, З.Нишоновой, Л.Рубинштейном, Н.Сафаевым, Э.Гозиевым, и другими были изучены психологические аспекты проблемы<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> Бегматов А. Маънавият фалсафаси ёхуд Ислол Каримов асарларида янги фалсафий тизимнинг яратилиши. – Т.: Шарк, 2000. – 94 б.; Каххарова М. Жамиятда маънавий-ахлокий мухит: муаммо ва ечимлар. Автореф. ... фал.фан.док. – Т., 2012; Маврулов А. Маънавий баркамол инсон тарбияси. – Т.: O'zbekiston, 2008. – 80 б.; Туленов Ж. Фалсафий маданият ва маънавий камолот. – Т.: Мехнат, 2000. – 215 б.; Туленова Г.Ж. Ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишда маънавий омилнинг роли (Ижтимоий-фалсафий таҳлил): Фал. фан. док. ...дисс. – Т., 2006. – 317 б.; Юсупов Э. Мустақиллик ва маънавият. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 175 б.; Гайбуллаев О.М. Ўзбекистон мустақиллиги шароитида ёшлар эстетик тафаккурининг ривожланиш масалалари: Фал. фан. док. ... дисс. – Самарқанд, 2005. – 161 б.;

